



## **ACTIONS OF TERRITORIAL DEPARTMENTS OF INTERNAL AFFAIRS IN EMERGENCIES IN ELECTRIC ENERGY FACILITIES**

Ahmedov O. T.

Ph.D., Head of the Center, Special Operations Coordination Department of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan Special Training Center  
o.axmedov1970@mail.ru,

### **Annotation**

The article discusses the issues of various emergencies of a natural and man-made character that may arise at energy facilities, as well as the actions of the internal affairs bodies in the elimination of emergencies.

**Keywords:** natural and man-made emergencies, energy facilities, security, model, internal affairs authorities.

**Аннотация.** Мақолада энергетика объектларида юзага келиши мумкин бўлган турли хил табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, ҳамда уларни бартараф этишда ички ишлар органларининг ҳаракатлари билан боғлиқ саволлар кўриб чиқилган.

**Аннотация.** В статье рассматриваются вопросы различных чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера, которые могут возникнуть на объектах энергетике, а также действия органов внутренних дел при ликвидации чрезвычайных ситуаций.

**Калит сўзлар:** табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, энергетика объектлари, хавфсизлик, модель, ички ишлар органлари.

**Ключивые слова:** чрезвычайные ситуации природного и техногенного характера, объекты энергетике, безопасность, модель, органы внутренних дел. Иқтисодиёт тармоқлари ривожланган сари табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар туфайли юзага келиши мумкин бўлган хавф ортиб бормоқда. Бугунги кунда барча давлатлардаги синганри республикамиз иқтисодиёт тармоқларининг самарали фаолиятини электр энергиясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Энергетика объектларида юзага келиши мумкин бўлган турли хил фавқулодда вазиятлар туфайли электр энергиясининг узилиши оқибатида катта хажмдаги иқтисодий зарарлар юзага келади, технологик жараёнлар тўхтаб



қолади, ҳаёт фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Иқтисодиёт тармоқлари ҳамда аҳолини сифатли электр энергияси билан ишончли ва барқарор таъминлаши асосий вазифа этиб белгиланган энергетика объектларидаги электр станциялари ва тармоқларида сўнгги вақтларда турли хил табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар сабабли узилишлар юзага келиши кузатилган [1].

Электр энергетика тизимларининг асосий хусусиятларидан бири технологик жараёнларнинг яхлитлигида бўлиб, ушбу мураккаб жараёнда бир вақтнинг ўзида электр энергияси ҳам ишлаб чиқарилади ҳам истеъмолчиларга узатилади, бунинг учун ишлаб чиқариш ва истеъмолчилар ўртасида балансни сақланиши муҳим ҳисобланади.

2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш борасида илғор халқаро тажрибани ва жаҳон электр энергетикаси ривожланишининг замонавий тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондириш ва электр энергетика тармоғини янада мутаносиб ривожланишини таъминлашга қаратилган. Ҳозирги вақтда республиканинг мавжуд ишлаб чиқариш қуввати 12,9 ГВтни жумладан, ИЭС – 11 минг МВт ёки 84,7 фоиз, ГЭС – 1,85 минг МВт ёки 14,3 фоиз, блок станциялари ва изоляцияланган станциялар –133 МВт дан ортиқ ёки 1 фоиз ташкил этади.

Иқтисодиёт тармоқларининг ривожланиши, аҳоли ижтимоий ҳаётининг янада яхшиланиб бориши ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабни оширмақда. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ишлаб чиқариш кучларининг имкониятларини янада оширишда кўп энергия сарфлайдиган, жисмонан ва маънан эскирган асбоб-ускуналарни технологик жиҳатдан замонавий, энергия тежамкор ускуналарга алмаштириш, мавжуд технологияларни оптималлаштириш ва янгиларини жорий қилиш муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олган ҳолда энергетика тизимида модернизация жараёнларини босқичма-босқич амалга ошириш, саноат ишлаб чиқариши, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, шунингдек, истеъмолчиларнинг тобора ошиб бораётган эҳтиёжларини тўла қондиришга алоҳида эътибор қаратилган [2].

Табиий офатлар туфайли электр энергетика объектларида содир бўлган фавқулодда вазиятлар ўз навбатида техноген хусусиятли ҳалокатларни юзага келишига сабаб бўлган. Ривожланган давлатларнинг электр энергетика тизимларида ҳам йил фаслларида қараб, ёзнинг иссиқ ва қишнинг совуқ кунларида электр энергияси истеъмоли ортганида катта хажмдаги ҳалокатлар содир бўлиши оқибатида экстремал ва кризис вазиятлар юзага келганлиги кузатилган [3].



Табиий ва техноген фавқулудда вазиятлар сабабли электр энергетика объектларида ҳалокат содир бўлса, тизим ишдан чиқса ёки турли хил кўринишдаги авариялар туфайли электр таъминоти узилса, маълум бир худудлардаги барча истеъмолчиларнинг электр энергиясиз қолиши оқибатида ҳаёт фаолияти, ишлаб чиқариш, коммуникация тизимлари ишдан чиқади ва экстремал вазият юзага келади. Фавқулудда вазиятларнинг сутканинг қайси вақтида тунда ёки кундузи содир бўлиши билан куч тизимлари, хусусан ички ишлар органлари олдига тезкор бажарилиши зарур бўлган қатор вазифаларни кўяди.

Аҳоли ҳаёт фаолиятига, давлат ва хусусий мулкка, жамиятдаги барча жабҳалар, хусусан иқтисодиёт тармоқларига электр энергетика объектлари билан боғлиқ жиддий зарар етиши мумкин бўлган экстремал шароитларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш катта аҳамият касб этади. Экстремал ва кризис вазиятлар юзага келганида жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш борасида ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари ва махсус бўлинмалари томонидан вазифаларни бажарилиши кўзда тутилади.

Бундай мураккаб вазиятларнинг тўстадан содир бўлиши фавқулудда вазиятлар бўлинмалари билан бир қаторда ички ишлар органларининг барча соҳавий хизматлари ва ходимлари олдига қатор вазифаларни кўяди, хусусан куч-воситаларни йўқотмасдан, талофат кўрмасдан ҳар бир ҳаракатни тезкорлик билан тўғри амалга оширилиши жуда муҳим ҳисобланади.

Ҳаёт фаолияти учун муҳим ҳисобланган электр энергетика объектлари жойлашган худудларда худудий ички ишлар органлари томонидан энергетика объектлари билан боғлиқ ички ва ташқи хавфларни аниқлаш, юзага келиши мумкин фавқулудда вазиятларни бартараф этиш бўйича оператив қарорларни ишлаб чиқиш, фавқулудда вазиятларни бартараф этиш давомида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, экологик ва бошқа оқибатларни эътиборга олиш билан боғлиқ масалаларга эътибор қаратиш лозим бўлади.

Ривожланган давлатларда хусусан Россияда жорий этилган тажрибага кўра табиий ва техноген хусусиятли фавқулудда вазиятларни баҳолаш мақсадида махсус шкала ишлаб чиқилган ва жорий этилган, жумладан шамол кучини аниқлаш учун 12 балли, ер силкинишини 9 балли шкалада, АЭСларда содир бўлиши мумкин бўлган авариялар 7 даражали шкалада белгиланади [4].

Электр энергетика объектларда техноген хусусиятли фавқулудда вазиятлар ҳозирда мавжуд бўлган қатор энергетик қувватлар ўзининг ишлаш муддатини ўтаб бўлганлиги, манъан ва жисмонан эскирганлиги сабабли юзага келиши



кузатилган, улардан фойдаланган сари электр станцияларнинг ишончилиги ва иқтисодий кўрсаткичлари пасайиб бораётганлиги намоён бўлмоқда.

Ички ишлар органларининг фавқулодда вазиятлар юзага келганидаги асосий ҳаракатлари жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа куч тизимлари сингари қутқарув ишларида иштирок этишдан иборат бўлади. Бугунги кунда ички ишлар органлари тизимидаги таркибий ўзгаришлар ва бошқарув қарорларини оптималлаштириш борасида янги йўналишларни тадбиқ этишга эҳтиёж туғилмоқда. Ушбу масалаларни махсус ишлаб чиқилган математик моделлар орқали ечимини топиш мумкин. Математик модел орқали ички ишлар органлари таркибий тузилмаларининг фавқулодда вазиятлар содир бўлганида уларни бартараф этиш юзасидан ҳаракатларни амалга ошириш юзасидан тегишли қарорлар қабул қилиш имкониятини беради.

Энергетика объектлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятни юзага келишига қараб ички ишлар органлари таркибий тузилмалари ва ходимларининг турли ҳаракатлар алгоритминини қўллаш мумкин. Куч ва воситаларнинг ҳисоблари фавқулодда вазиятларни бартараф этиш бўйича оптимал гуруҳларни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Содир бўлиши мумкин бўлган табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларда эса, Ички ишлар органлари Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, давлат тизимидаги барча идоралар, уларнинг ҳудудий органлари билан ҳамкорликда қуйидагиларни амалга оширишлари кўзда тутилган:

- фавқулодда вазиятлар чоғида жамоат тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини ва ёнғин хавфсизлигини, объектлар, ҳудудлар, моддий ва маданий бойликларни муҳофаза қилишни таъминлаш;
- ёнғинларни профилактика қилиш ва ўчиришга оид тадбирларни ташкил этиш ва амалга ошириш, улар билан боғлиқ қутқарув ишларини амалга ошириш;
- фавқулодда вазиятларда уларнинг олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизими (ФВДТ) бошқарув органларини юзага келган ёнғин ҳолати, ёнғинларни бартараф этиш, зиён ва кўрилиши мумкин бўлган зарарлар тўғрисидаги дастлабки ахборот билан таъминлаш;
- даволаш муассасалари билан биргаликда фавқулодда вазиятларда нобуд бўлган аҳолини ҳисобга олиш.
- ФВДТ функционал қуйи тизимларини ташкил этишга ва унинг фаолиятига, жамоат тартибини муҳофаза қилиш хизматига, йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига, ёнғин хавфсизлиги хизматига раҳбарлик қилиш.

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасининг ФВДТга кирувчи вазирлик, идора ва ташкилотлар билан ҳамкорликда юзага келиши мумкин бўлган фавқулодда



вазиятларнинг олдини олиш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар мониторинги, ахборот алмашинуви ва прогнозлаш бўйича ягона тизимни ташкил этиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида бу соҳадаги ишлар тизимли равишда олиб борилмоқда [5].

Ягона тизимнинг жорий этилиши - мамлакатимиздаги барча хавф омилларини, таҳдид манбаларини тўлиқ ва тизимли кўриб чиқишни, ҳудудларни хавф даражалари бўйича ажратиб чиқишни, фавқулодда вазиятлар юзага келиш хавфи ва унинг оқибатлари тўғрисида автоматлаштирилган ҳолда доимий ахборот алмашинувини олиб боришни, аниқланган хавфни объектив баҳолаш ва бошқаришни, шунингдек фавқулодда вазиятларда бошқарув механизмини тизимли йўлга қўйишни таъминлайди. Шунингдек, Ягона тизим доирасида вазирлик ва идораларда ихтисослаштирилган геоахборот тизимнинг яратилиши ва фойдаланилиши фавқулодда вазият манбалари маълумотлар базаси ва потенциал хавфли объектлар реестрини шакллантириш ва ривожлантиришни, фавқулодда вазиятга олиб келадиган хавфли табиий-техноген жараён ва ҳодисалар юзага келиш хавф даражасининг индикатори бўйича ҳудудларни батафсил районлаштиришни, юзага келган хавфни моделлаштиришни, ривожини прогнозлаштиришни, шунингдек ахборот алмашинувининг ягона шаклда олиб борилишини таъминлайди. Бу эса ўз навбатида, республикамиз аҳолисини ва ҳудудларини юзага келиши мумкин табиий, техноген ва экологик хусусиятли фавқулодда вазиятлар хавфидан ўз вақтида огоҳлантириш, самарали муҳофаза қилиш имкониятини яратади.

Ўтган давр мобайнида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар якуни бўйича республикада жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикаси, жамоат тартибини сақлаш ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида муайян натижаларга эришилган.

Электр энергетика объектларида террорчилик ташкилотлари ва экстремистик гуруҳлар томонидан содир этилиши мумкин бўлган қўпурувчилик ҳаракатлари сабабли юзага келган фавқулодда вазиятларни махсус таснифли ўзига хос хусусиятларга эгаллигини эътиборга олган ҳолда, авваломбор уларнинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Барча куч тизимлари каби Ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг таркибий тузилмалари олдида турган вазифа электр энергетика объектларда содир бўлиши мумкин бўлган хавфларни тезкор усуллар билан аниқлаш, олдини



олиш ва бартараф этиш чора-тадбирлари режалари асосида ишларни ташкил этиш, мазкур идоралар фаолияти янада самарали бўлишини таъминлайдиган замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, Ички ишлар органлари таркибий тузилмалари фаолиятининг моддий-техника таъминотини янада яхшилаш, тизимга билимли, ўз ишига содиқ ва масъулият билан ёндашадиган, ҳуқуқ-тартибот ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи ҳамда асосий мажбурияти деб биладиган ватанпарвар ёшларни жалб этиш мақсадга мувофиқдир.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, ҳудудий электр энергетик объектларида фаолият олиб борадиган масъул ходимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини ҳамкорликда мунтазам ташкил этиш, ўқув дастурларига табиий-техноген ҳамда бошқа турдаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш, бартараф этишда Ички ишлар органлари ва бошқа куч таркибий тузилмаларининг ҳамкорлик масалаларини ўқув жараёнига ва амалиётга жорий этиш муҳим ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. "Янги Ангрен" Иссиқлик электр станциясида содир бўлган авария. 20 январь 2021 йил. <https://uznews/uz/article>
2. 2020-2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини электр энергияси билан таъминлаш концепцияси. Ўзбекистон Республикасидаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий воқеаларга доир маълумотлар. <https://www.namdu.uz/>.
3. Крупнейшие аварии на электроэнергетических системах [инф.ресурс] <https://fb.ru/article>
4. Босхамжиева Н.А. Административная деликтность в системе угроз общественной безопасности // Административная право и процесс. – 2013. №1. - С. 14 – 19.
5. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 28 декабря 2017 года, № 1027 «О создании Единой системы мониторинга, обмена информацией и прогнозирования чрезвычайных ситуаций природного, техногенного и экологического характера». Ташкент, 2017. - С.65.